

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА ТЕМУРИЙЛАР СИЙМОСИ



Ҳасан Рашидович АМИНОВ
*Камолiddин Бехзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти Ректори*

Аннотация

Мазкур мақолада темурийлар даври маданияти ва санъатининг ривожини, унинг миллий маънавиятимиз тараққиётига қўшган ҳиссасини атрафлиқ таҳлил қилинган. Шунингдек, тасвирий санъатда темурийлар сиймосини яратган рассомлар асарлари ўрганилган.

Калит сўзлар: санъат; темурийлар даври; маданият; уйғониш даври; туркий тил; адабиёт; портрет; ҳайкалтарошлик; шарқ; шеърят.

ОБРАЗЫ ТЕМУРИДОВ В ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМ ИСКУССТВЕ УЗБЕКИСТАНА

Ҳасан Рашидович АМИНОВ
*Ректор Национального института художеств и дизайна
имени Камолiddина Бехзода*

Аннотация

В статье анализируется развитие культуры и искусства эпохи Темуридов, ее вклад в развитие национальной духовности. В статье также раскрыт образ художников, создавших произведения о Темуридах в изобразительном искусстве.

Ключевые слова: искусство; период Темуридов; культура; возрождение; тюркский язык; литература; портрет; скульптура; Восток; поэзия.

TEMURID'S IMAGES IN THE FINE ARTS OF UZBEKISTAN

Hasan Rashidovich AMINOV
*Rector of National Institute of Fine Arts and
Design named after Kamoliddin Behzod*

Abstract

The article analyzes the development of culture and art of the Temurids epoch, its contribution to the development of national spirituality. The article also reveals the image of artists who created works about Temurids in the visual arts.

Keywords: art; period of Temurids; culture; revival; Turkic language; literature; portrait; sculpture; East; poetry.

Миллий маданиятимиз юксалишида ўзининг беқиёс ўрнига эга ўзбек адабий тилининг асосчиси, шеърят мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий, шарқ миниатюра санъатининг беназир мўйқалам устаси,

даҳо санъаткор Камолиддин Бехзод, шоир ва давлат арбоби, комусий олим Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби улуғ аждодлар илмий-бадий меросини ўрганиш ва ёшларга ўргатиш, улардан бугунги кун учун айрим хулосалар чиқариш долзарб масаладир. Зеро, улар яратган дурдоналар асрлар давомида қайта-қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоирлар ва илм аҳли учун мактаб вазифасини ўтаб келган.

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти ва санъатига нисбатан “Иккинчи ўйғониш даври” деган баҳонинг берилиши ҳам бежиз эмас. Чинданда бу даврда Хуросон ва Моворауннаҳрда маънавий, ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида юксак тараққиёт даражасига эришилган. Юқорида номи тилга олинган беназир шахслар томонидан яратилган нодир асарлар ҳам шундан далолат беради.



Бу даврни ўрганганда уларни учта йўналишга ажратиб таҳлил қилишни лозим топдик. Булар: темурийлар даври тасвирий ва амалий санъати; темурийлар даври ёдгорликларини ўрганилишининг долзарб муаммолари; темурийлар даврида тил ва адабиёт масалалари.

Истиқлол йилларида маънавий меросимизни ўрганиш ва қайта тиклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Собиқ санъат институти таркибидан ажралиб чиққан янги таълим муассасаси – Камолиддин Бехзод номи билан аталиши ҳам соҳа вакиллари зиммасига катта маъсулият юклади. Келажакка ишонч кўзи билан қарайдиган умидли ёшлар жаҳон замонавий санъат йўналишлари билан бир қаторда Шарқ миниатюра мактаблари анъаналарини ҳам ўзлаштириб келадилар. Узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган устоз-шогирд анъанасининг йилдан йилга мустаҳкамланаётганлиги ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолиги остида буюк саркарда, улуғ бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар образини яратиш бўйича танлов эълон қилинган эди. Натижада бир-бирини мутлақо такрорламайдиган юзлаб санъат асарлари дунё юзини кўрди (2, 62)⁶.

Бундаги ишлар орасида Ўзбекистон санъат арбоби Алишер Алиқулов томонидан Ўзбекистон давлат тарих музейининг “Темурий даври” экспозиция бўлими учун яратган деворий иши ҳам диққатга молик. Маҳобатли рангтасвир асарда Соҳибқироннинг образи композициянинг марказида, “чавандоз” қиёфасида тасвирланган.



Унинг атрофида – ҳамроҳлик қилаётган мулозимлар, салтанатга тегишли бўлган рамзий ашёлар тасвирланган. Суратни яратишда Алишер Алиқулов бир томондан реалистик тасвирий санъатнинг маҳобатли рангтасвирдаги қонуниятларига таянса, иккинчи томондан миллий санъатимизнинг асрлар оша такомиллашиб келаётган анъаналарига мурожаат қилади.

Рангларни ёрқин қилиб ифодаланиши деворий суратга масофадан қаралганда унинг ҳар бир деталларини томошабин кўзига яққол ташланиб туришига имконият яратади. Таъкидлаш жозики, мазкур иш – Ўзбекистон маҳобатли ранг тасвирида Амир Темур сиймосига бағишланган илк йирик деворий асардир.

Дарҳақиқат, тарихий адолатни қарор топтириш, йиллар давомида топталиб келган улуғ саркарда сиймосини яратишда кенг қўламли ишлар амалга оширилди (1)⁷. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси биринчи

⁶ Каримов И. А. Амир Темур ҳақида сўз. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 62.

² “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1994 йил 29 декабр.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т. : Маънавият, 2008. – Б. 149–152.

Президенти И.А. Каримов шундай ёзади: “Баъзи бир миниатюра асарларини ҳисобга олмаганда, ўз вақтида Амир Темурнинг портрет-сурати чизилмаган. Лекин ушбу миниатюралар буюк Темурнинг бетакрор шахсиятини ҳар томонлама ва ҳаққоний акс эттира олмаслигини тушуниш қийин эмас. Чунки бу расмларнинг бирида Соҳибқирон мўғулга, яна бирида ҳиндга, учинчисида эса бошқа бир миллат вакилига ўхшатиб тасвирланади. Шу тўғрисида биз унинг асл қиёфаси қандай бўлгани ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эдик. Кўпчилигимиз уни шўролар даврида антрополог-ҳайкалтарош М.Герасимов “яратган” қўрқинчли бюст орқали билардик холос (149–152)”⁸.



Манбаларда Амир Темур ва темурий шахзодаларнинг таиқи қиёфалари ҳақида бир-бирига зид ва қарама-қарши фикрлар, чалкаш талқинлар кўп учрайди. Уларнинг барчаси турли нуқтаи назардан қараб ёзилган. Шунинг учун ҳам буюк аждодимизнинг портретини яратишда мавжуд манбаларни ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб, тарихий-илмий ҳақиқат асосида яратиш талаб қилинар эди.


Изланишлар шуни кўрсатдики, Амир Темур даврига оид баъзи ёзма ёдгорликларда у зот ҳақида етарли маълумотлар мавжуд экан.

Жумладан, Амир Темур саройида етти йил яшаган машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ соҳибқирон сурати ва сийратини шундай тасвирлайди: “Темур баланд бўйли, тик қомадли, кенг пешонали, калласи катта, бағоят кучли ва салобатли, оқ-қизил юзли, кенг елкали, қадди-қомати келишган, серсоқол, ўнг қўли билан ўнг оёғи заҳмдор, икки кўзи бамисоли икки шамдай порлаб турадиган, йўгон овозли, улуглиги ўзига ярашган, қалбий азму қарор билан сўзлайдиган, ҳақгўй киши эди. У зимдан қараши ва кўз ишоратларини сезадиган, идрокли, синчков, ҳар қандай ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз бериши мумкин бўлган ҳамма ишни олдиндан кўриб-билиб турар эди (149–151)”⁹.

Шундай таърифу тавсифлардан келиб чиқиб, аввало Амир Темур портретининг бир неча хомаки вариантлари тайёрланди. Улар дастлаб

⁹ Ислон Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 149–151 бетлар.

тарихчи олимлар, адиб ва рассомлар, жамоатчилик вакиллари муҳокамасидан ўтказилиб, умумий хулосага келинди.



Шундан сўнг Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ана шу фикрлар асосида портретни қайта ишлади ва бутунлай бошиқа сиймо –бугунги кунда бутун халқимизга яхши маълум бўлган Соҳибқироннинг мумтоз қиёфаси пайдо бўлди. Айнан ана шу сиймо кейинчалик юртимизда Амир Темури бобомизга атаб барпо этилган барча ҳайкаллар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Шу тариқа бирин-кетин турли шаҳарларда унинг маҳобатли ҳайкаллари қад кўтарди. Юзлаб рассомларимиз рангтавирда унинг сиймосини яратдилар. Бу борада бой тажриба тўпланди. Аста-секинлик билан кейинчалик Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Бобур ҳайкаллари ҳам қад ростлади.

Ўзбекистон тасвирий санъатида Мирзо Бобур сиймосини яратишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Устоз санъаткор Малик Набиевнинг “Бобур портрети”(1983)да Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг темурийлар авлодидан эканлигига алоҳида урғу беради. Саркарда, шох ва шоирнинг ҳаётини жиддий ўрганиш билан бирга у яшаган Афғонистон ва Ҳинд юрти тарихига оид манбалар билан танишиб чиқади. Портретда Бобур шохлик кийимида тасвирланган бўлсада, кўлида қалам тутган ҳолда олис ватанини кўмсаётган, қалби нозик шоир, камтар ва оддий инсон сиймосида гавдалантирилган. Унинг бутун вужудини муҳаббат, соғинч ўртамоқда. Бобур сиймосида рассом темурийларга хос баҳодирликни тасвирлайди. Унда шохларга хос хусусиятлар бўрттирилмаган.

Полотнода Бобурнинг соймосининг турли қирралари очиб берилган. Бунда рассом асос сифатида Бобурмирзо томондан шхсий дастхатда ёзилган “Бобурнома” энциклопедик илмий асарга таянган. Унда Бобур ҳаётининг кенг оммага маълум бўлмаган жиҳатлари ёритилган бўлиб, рассомга бирламчи материал сифатида хизмат қилган.

Картинанинг стилистик асосини реалистик тасвирий санъат қонуниятлари ташкил қилиб, айрим жиҳатлар ўрта асрлардаги Шарқ кўлөзма миниатюрларида қўлланилган тасвирий ечимларга асосланади. Масалан, Бобурнинг тасвири бор кўплаб миниатюрлар бугунги кунда илм аҳлига

маълум. Биргина Ҳайбаробод шаҳридаги (Ҳиндистон) Патна кутубхонаси фондида сақланаётган “Бобурнома” асарида, ёки Бобурнинг вафотидан кейин унинг авлодлари томонидан тайёрланган “Хумоюннома”, “Акбарнома” каби кўлёмаларда, Шох Жаҳон (Хуррам мирзо) даврида яратилган бобурийларнинг сулоласига бағишланган миниатюра асарларида Бобурмирзони турли бир-бирига ўхшамаган қиёфаларда учратамиз. Бундан билиш мумкинки, уларнинг аксарият қисмида, айниқса, Бобурнинг авлодлари даврида яратилган қиёфаларда рассомлар шаханшоҳни турли даврларда ёзилган матнларда келтирилган таърифдан келиб чиққан ҳолда яратганликлари сезилади.



М. Набиевнинг биз таҳлил қилаётган асарида Бобурнинг гавдаси, қўли, юз тузилишида картинанинг драматургияси, умумлашма образнинг бадший хусусиятлари очиб беришга ҳаракат қилинган. Бу ерда яна бир жиҳатга аҳамият берилиши керакки, бу ҳам бўлса – тарихий шахсларнинг эгиларидаги усти-бош (кийим). Бошқа шу хилдаги картиналарда бўлгани каби бунисида ҳам кийим-бош шартли қилиб берилган.

Муаллиф атайин шундай йўлни танлаганки, биринчидан, Бобурмирзонинг ташқи қиёфаси унинг ҳаётлик чоғида айнан ўзига қараб чизилмаган (натурадан ишланмаган); иккинчидан, тарихий кийимни кўрсатиш – рассом учун муҳим бўлмаган. Кўзланган мақсад – теурийлар маданиятига хос бўлган умумий жиҳатларни аниқлаш баробарида тарихий сиймоларнинг умумлашган образини яртишдан иборат бўлган. Мана нима сабабли биз бундан буёғига бундай сиймоларнинг ташқи қиёфаларига нисбатан “портрет” атамасини қўллашга қаршимиз. Уларни, агар юқоридаги иш юзасидан фикр билдирадиган бўлсак, “Бобур сиймоси (образи)” деб илмий муомалага киритиш тарафдоримиз.



Гўри Амир мақбараси. Самарқанд.1404 й.

*Темурийлар
сулоласининг бошқа
вакиллари ҳам
рангтасвирчилар
томонидан катта
қизиқиш билан
тасвирланди.*

М. Набиев мўйқаламига мансуб Заҳириддин Бобур портрети романтик тарзда ечилган. Бобур ижод жараёнида, қўлига қалам, кўзлари эса олис масофаларга қадалган. Бобур образи А. Маматова полотносида ҳам ажойиб шоир сифатида ўзига хос талқин этилади.

Акмал Нур ижодида темурий шахзода Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишлаган асар буюк саркарда ва шоир мероси ва шахсига қизиқишнинг натижасида дунё юзини кўрган. 1996 йилда ишланган “Армон” асари тунда ойнанинг ғира-шира ёруғида Бобур тахтга орқасини ўгириб ҳаёллар оғушига фарқ бўлган лирик кечинмаларини кўрсатишга ҳаракат қилинганини кўриш мумкин.

О.Қозоқовнинг “Шоир” асари (1997й.)да Бобур сиймосини мутлоқо янгича кўринишда яратади. Унда қахрамон ўнг қўлининг кафтида ноёб кушни кўндириб, гўё у билан сирлашаётгандай тассурот ўйғотади. Бобур либосларининг қизил рангда берилиши унинг нақадар оғир довлардан ўтганлиги, қанчадан-қанча жангу жадалларни бошидан кечирганлигига ишорадир.

*Хуллас, Ўзбекистон санъатида
темурийлар мавзуси истиқлол
туфайли янада долзарб
масалалардан бирига айланди. Бу
борада юзлаб рангтасвир асарлари
яратилди ва яратилмоқда.*



Регистон. Самарқанд. XV–XVII асрлар.

Уларда ёндошувлар, қарашлар ва композицион ечимлар ҳам бири-бирдан мутлоқо фарқ қилади. Ишончим комилки, бундан кейин ҳам мазкур мавзуда янгидан янги талқиндаги рангтасвир асарлари ва ҳайкаллар

яратилаверади. Йиллар ўтса ҳамки, улуғ аждодларимиз мероси барҳаёт яшайверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1994 йил 29 декабр //https://nrm.uz/contentf?doc=127061_o%E2%80%9898zbekiston_respublikasi_vazirlar_mahkamasining_29_12_1994_y_630-son_amir_temur_tavalludining_660_yilligini_nishonlash_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qarori
2. Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 156 б.
3. Каримов И. А. Амир Темур ҳақида сўз. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 102 с.
4. Абдуллаев Н.А. Ўзбекистон Миллий портрет санъати. –Тошкент, 2011. – 158 б.
5. Абдуллаев Н.А. Ўзбекистон санъати тарихи. –Тошкент, 2007. – 236 б.
6. Аҳмедова Н.Р. Живопись Центральной Азии XX века: традиция, самобытность, диалог. –Ташкент, 2004. – 226 с.
7. Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча. 1989. – 368 б.
6. Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт – матбаа ижодий уйи. 2009. – 272 б.
7. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. – Т.: Чўлпон. 1992. – 193 б.